



ХОРИЖДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯГА ОИД ҚАРАШЛАР

И.Р.Казаков

КҚДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.н.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7095210>

Аннотация: Ушбу мақолада лингвокультурология соҳасининг хорижлик лингвистлар томонидан ўрганилишига доир маълумотлар жамланган. Бунда, хусусан, В.Н.Телия, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, В. фон Гумбольдт, Л.Вайсгербер, А.А.Потебняларнинг қарашлари таҳлилга тортилган.

XXI асрга келиб тилшунослик соҳаси янада жадал суръатларда тараққий қилиб, бу илм янгидан-янги муаммоли масалаларнинг ечимини излаш, уларни ҳал этиш вазифаларини кун тартибида белгилаб берди. Янги шароитда ана шундай ечимини кутаётган муаммолардан бири тилни антропоцентрик нуқтаи назар асосида тадқиқ қилиш бўлиб ҳисобланди. Ҳақиқатан ҳам, антропоцентрик парадигма тилшуносликда туб бурилиш ясаганлигини қайд қилиш лозим. Айни кунга қадар ушбу йўналиш доирасида кўплаган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Умумтилшуносликда антропоцентрик парадигманинг бир қанча тармоқлари вужудга келиб, психолингвистика, когнитив тилшунослик, этнололингвистика, нейролингвистика, лингвопрагматика, прагмалингвистика, лингвокультурологияда инсон омили барча тадқиқотлар объектининг марказида бўлди. Уларда тилни унинг эгаси инсон билан узвий равишда ўрганишга ҳаракатлар бошланди.

Антропоцентрик парадигма устуворлик касб этган тадқиқотларда тилни шунчаки структура сифатида эмас, балки очиқ система каби тадқиқ қилишга эътибор қаратилди. Энг асосийси, тилни жамият, инсон, маданият, руҳият каби системалар билан алоқадорликда ўрганишга киришилди. Тилни инсон ичида, шунингдек, инсонни тил ичида таҳлил этишга йўналтирилган ғоялар, таълимотлар юзага келди.

Таъкидлашни истардикки, антропоцентрик парадигма қиёсий-тарихий ва систем-структур тилшуносликдан кейинги шаклланган йўналишдир. Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишлари қаторида лингвокультурология тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида пайдо бўлган. У тилнинг маданият билан алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганади. Бу соҳа XX аср охирида юзага келган бўлиб, илк бор «лингвокультурология» термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган изланишларга боғлиқ ҳолда қўлланилди [1, 288]. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу



соҳанинг туб илдизи асли В. фон Гумбольдт ғояларига бориб тақалади. Соҳанинг жадал ривожланишига катта ҳисса қўшган Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорфлар В. фон Гумбольдт қарашларини давом эттириб, лингвокультурология фанининг назарий асосларини шакллантиришган [2, 6].

Маънавий ва руҳият, идрок масалалари ҳам маданият тушунчаси остида тадқиқ қилинган бўлиб, бунинг ёрқин намунаси В. фон Гумбольдт асарларида кузатилади [3, 452]. Лингвист тил ва маданият муносабатини маданиятнинг тилда воқеланганлиги, у борлиққа «миллий нигоҳ» маҳсули эканлигини, тил қурилиши миллий руҳият қурилишига уйғунлиги, у инсониятни борлиқ билан боғловчи бўғин ва восита мақомини бажариши кабилардан илғайди. Олимга тегишли бу қарашлар, ўз даврида шовинистик мақсадлар учун хизмат қилган бўлса-да [4, 320], кейинчалик унинг издошлари А.А.Потебня, Ш.Балли, Ж.Вандриес, И.А.Бодуэн де Куртене, Р.О.Якобсон сингари тилшунослар тадқиқотларида олим ишлари давом эттирилди. В.фон Гумбольдт тавсифига кўра, тил «ташқи борлиқ ва инсон ички дунёси ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради» [5]. Тўғри қайд қилинганидек, тил инсонга нисбатан олинган борлиқдаги ҳодисалардан шуниси билан тафовутланадики, оламдаги жамики ҳодисалар ҳақиқатан ўзининг ташқи сифатловчисига эга. Аммо тилни ички сифати билан бермаслик асло мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан тил борлиқ ҳодисотлардан фарқ қилади.

Немис тилшуноси, файласуф, давлат арбоби, дипломат, умумий тилшунослик асосчиси ҳамда тилларни тарихий ўрганишнинг назарий асосларини яратган В. фон Гумбольдт халқ тили ва халқ руҳи муштараклиги ҳақидаги ғояни илгари суриб, тилшунослиқда нисбийлик назариясини бошлаб берди. Таъкидлаш лозимки, немис алломаси В. фон Гумбольдтнинг «Турли тиллар миллатлар учун уларнинг оригинал тафаккур ва оригинал идрок органлари эканлигини умумэътироф этилган ҳақиқат дейиш мумкин» деган гапини эслаш жоиз. У тафаккурнинг умуман тил билан боғлиқлигини эмас, балки ҳар бир муайян тил билан шартланганлигини алоҳида таъкидлайди. Гумбольдт ўзининг «Инсон тиллари тузилишининг фарқлари ва унинг инсоният маънавий тараққиётига таъсири ҳақида» номли йирик асарида «Тил фикрни яратувчи органдир. Ақлий фаолият ва тил яхлит бутунликни ташкил этади деб ёзган эди» [6, 65]. Олим ўзининг «Грамматик шаклларнинг вужудга келиши ва уларнинг фикрга таъсири» номли асарида халқ тили ва тафаккурнинг уйғунлиги ҳақидаги



қарашларни илгари сурди. У, шунингдек, «Ява оролидаги кави тили ҳақида» деб аталган асарида фанга тилнинг «ички шакли» тушунчасини олиб кирди. В. фон Гумбольдт бу тушунча хусусида, «Тилнинг ички шакли – одамларнинг фикрлаш ва ҳиссиёти ифодаланадиган соф шахсий усули. Бу нарса ягона таърифга эга эмас ва бу жиҳатдан мавҳум, лекин ҳар бир нутқ актида ўзини намоён қилади ва шу жиҳатдан аниқ», деган эди.

Тилшуноснинг тил ва тафаккурнинг муштарак ҳодисалар эканлиги ҳақидаги қарашлари унинг издошлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиб, қабул қилинди, деган хулосага келиш нотўғри бўлади. Чунки Л.Вайсгербер, А.А.Потебня каби атоқли тилшунослар қарашларида В. фон Гумбольдт ғояларининг баъзи жиҳатларинигина кўриш мумкин. Масалан, А.А.Потебня ўзини Гумбольдтнинг шогирди ва ишларининг давомчиси деб эътироф этган. Унинг «сўзнинг ички шакли» назарияси таъсири остида ўзининг қарашларини шакллантирди [7]. А.А.Потебня сўзнинг фонетик қобиғи билан маънонинг уйғунлиги масаласига алоҳида диққатини қаратди. У шакл ва маъно диалектикасига таянган ҳолда «товуш маънога сингади» деган фикрни ҳамиша таъкидлаган. Тилшунос устози В. фон Гумбольдтнинг тил ва тафаккур ҳақидаги қарашларини сўз мисолида асослашга ҳаракат қилган. Бунда, тилдаги марказий ўринни сўз эгаллаши, сўз маъноси тилдаги мазмуннинг ядроси эканлиги, сўз орқали нафақат фикрни яратиш ва объективлаштириш, балки нолисоний мазмунни акс эттириш мумкинлигини қайд қилади. Шунингдек, унга кўра, «Гарчи сўз учун товуш жуда зарур бўлса-да, усиз сўзнинг маъноси биз учун етишиб бўлмас бўлар эди, лекин у маънога ўз-ўзидан эмас, балки олдиндан бошқа маънога эга бўлганлиги учун ишора қилади» [8, 17]. Олимнинг, «Сўзнинг ташқи кўриниши ... материал сифатида товуш эмас, балки фикр билан ишланган товушдир» [9, 176] деган фикри ҳам эътирофга лойиқ. Умуман, А.А.Потебня томонидан сўз маъносига доир янги талқиндаги концепция шакллантирилди. Ўз даврида тилшуноснинг билдирган бебаҳо фикрлари маъно назариясининг кейинги ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади. Тушунча ва маънони кескин фарқлаш, уларнинг мантиқий ва лингвистик категория сифатидаги хусусиятлари, улар туташадиган ва фарқланадиган ҳолатларга оид қимматбаҳо фикрлар замонавий семантиканинг янги уфқларини очиш йўлида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Шундай қилиб, А.А.Потебня қарашлари XX асрда сўзнинг семантикасига тегишли турли хил лингвистик парадигмаларнинг шаклланишига туртки бўлди.



Лингвокультурологик тадқиқотларда яхлитлик ва қиёс энг муҳим асос вазифасини ўтайди. Миллий маданиятнинг бир турини у мансуб яхлит маданий тизимдан алоҳида ҳолда қараш тадқиқотни тизимлилик тамойилига мувофиқ шакллантиришга акс таъсир ўтказди. Миллий маданият гетероген яхлит система бўлиб, маданиятнинг турфа элементлари система таркибида узвийликка эга бўлади. Умуман, Ф.Боас тил ва маданият яхлитлигини макон ва замон кесимида олиш кераклиги ғоясини илгари сурган.

Лингвист В. фон Гумбольдт, А.А.Потебня каби олимларнинг қарашлари асосида лингвокультурологияга тааллуқли муаммолар Э.Сепир ва Б.Уорф мактабида, физикадаги нисбийлик назариясига таянган ҳолда лингвистик нисбийлик гипотезаси (Sapir-Whorf hypothesis) ни ишлаб чиққан гумбольдтчиликнинг турли оқимлари томонидан тадқиқ этилди. Айниқса, бу йўналишдаги қарашлар тил ва маданиятнинг узвий алоқадорлиги бўйича янгича ёндашув сифатида камол топди [10]. Уларнинг қарашларига боғлиқ ҳолда шуни таъкидлашни хоҳлар эдикки, бирор тилдаги ҳодисалар моҳиятини ёритиш, у ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш, ундаги муайян масалаларни аниқлаш учун бошқа тилдаги муқобиллари билан қиёслаш муҳим аҳамият касб этади ва бундай тадқиқот кутилган натижани беради. Шу сабабли лисоний ҳодисалар моҳиятини тиклашда типологик тадқиқотларнинг ўрни алоҳидадир. Алоҳида қайд қилиш жоизки, ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти қиёслаш натижасида очилади. Демак, типологик тадқиқотларни қиёслашнинг энг сермахсул кўринишлари сифатида баҳолаш афзал. Хуллас, лингвокультурологияга мансуб илғор фикрлар дастлаб хориж лингвистлари томонидан ўртага ташланган. Айни кунда ҳам тил ва маданият алоқадорлигига доир тадқиқотларни яратишда уларнинг ишлари мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

- 1.Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1996.
2. Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ...док.филол. наук. –Уфа, 2003.
3. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. –М., 1985.
4. Комилов Н. Тафаккур карвонлари: Шарқу Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари. –Тошкент: «Шарқ» НМАК, 2011.



5. Гумбольдт В. фон. О различии строения языков и его влияние на духовное развитие человечество // Избранные труды по языкознанию. –М., 1984 // [www. classes. ru/gra](http://www.classes.ru/gra)
6. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012.
7. [cito-web.yspu.org/link 1/metod/met 137 /node4.htm](http://cito-web.yspu.org/link1/metod/met137/node4.htm)
8. Потевня А.А. Из записок по русской грамматике: в. 4 т. –М., 1958-1985. Т. 1-2 / Аккад. Наук СССР. –Учпедгиз, 1958.
9. Потевня А.А. Эстетика и поэтика. –М.: Исскуство, 1976.
10. Қаранг: История создания гипотезы лингвистической относительности // [www. edu-psycho.ru](http://www.edu-psycho.ru)

